

НАҚШБАНДИЙЛИКНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТДАГИ ЎРНИ

Сайфиддин РАФИДДИНОВ

доцент

филология фанлари номзоди

ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти

Тошкент, Ўзбекистон

alfaqr@list.ru

Аннотация

Ушбу мақолада Нақшбандия тариқатининг Ўрта Осиёда тарқалиши, ижтимоий-сиёсий ҳаётга ва одамларнинг турмуш тарзига таъсири айрим далиллар ҳамда сўфийларнинг ҳаёти мисолида кўрсатиб берилди.

Таянч сўзлар: тариқат, сўфий, касб, меҳнат, дуо, шайхлар, авлиё, мутасаввиф, алломалар, юрт.

РОЛЬ УЧЕНИЯ НАКШБАНДИЯ В ОБЩЕСТВЕННО- ПОЛИТИЧЕСКОЙ ЖИЗНИ

Сайфиддин РАФИДДИНОВ

доцент

кандидат филологических наук

Институт узбекского языка, литературы и

фольклора Академии наук Республики Узбекистан

Ташкент, Узбекистон

alfaqr@list.ru

Аннотация

В данной статье показано распространение учения Накшбандия в Средней Азии, ее положительное влияние на общественно-политическую жизнь и образ жизни людей, приведены некоторые доказательства и пример суфийской жизни.

Ключевые слова: учение, суфи, профессия, труд, молитва, шейхи, святой, мистик, учёные, страна.

Юртимиздан етишиб чиққан машойихлар асосан яссавия, кубравия ва нақшбандия тариқатларининг вакиллариدير. Қодирия каби тариқатлар чуқур илдиз отмаган. Диёримизда фаолият кўрсатган мазкур тариқатларнинг ўз услуби, одоби ва қоидалари бўлганидек, тарихимиз саҳифаларида ҳам ҳар бирининг алоҳида ўрни ва мавқеи бор. Аммо кейинчалик нақшбандия дунё миқёсида ҳам, Мовароуннаҳр ўлкаларида ҳам энг фаол ва ҳаракатдаги тариқатга айланди. Бу тариқат машойихларининг хизматларини сарҳисоб

килсак, улар улкан бир маънавиятга, соғлом эътиқод ва ахлоқий маданиятга асос солгани ҳамда юрт ичида тинчлик ва осойишталик бўлишини таъминлашга катта ҳисса қўшган. Хожагон-Нақшбандиянинг катта нуфузга эгаллиги унинг суннийликка асосланган, ҳар қандай таассуб ва бидъатлардан холи, мўътадил бир тариқат эканидандир.

Нақшбандиянинг ижтимоий-сиёсий ҳаётга кўрсатган таъсири ҳақида сўз юритар эканмиз, силсилаи шарифдаги ҳар бир шайхнинг ўз даврида жамият ҳаётига кўрсатган ижобий таъсири мавжуд. Хожа Юсуф Ҳамадоний (1048–1141) воситасида юртимизга кириб келган ва Абдуҳолиқ Ғиждувоний ҳамда издошлари тарафидан давом эттирилган хожагон-нақшбандиянинг ички ва ташқи муҳитга таъсир даражасига кўра баҳо бериш керак. Силсиладан жой олган Имом Жаъфари Содик, Боязиди Бистомий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрори Валий, Хожа Имканагий Китобий, Имоми Раббонийларнинг ўз даврида халқ билан яқин алоқада бўлиб, улкан савобли ишлар, сулҳу амниятни қарор топишига беқиёс ҳисса қўшганликлари тарих саҳифаларидан аён.

Маълумки, ижтимоий-сиёсий ҳаёт деганда халқ ва жамият муносабати, халқнинг моддий ва маънавий эҳтиёжлари тушунилади. Шу боис халқ доимо ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлади. Ижтимоий ҳимоя ҳар бир шахснинг яшаш шароитларини яхшилаш бўлса, ижтимоий ҳимоя – кенг маънода мамлакат аҳолисини ижтимоий ва моддий муҳофаза қилинишини таъминлайдиган ҳамда жамиятда қарор топган ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий чора-тадбирлар мажмуидир. Бошқача айтганда, давлат ва жамиятнинг ёши, саломатлиги, ижтимоий аҳволи, тирикчилик воситалари билан етарли таъминланмагани туфайли кўмакка муҳтож фуқаролар тўғрисидаги ғамхўрлигини англатади.

Тарихга назар солинса, айнан нақшбандия шайхлари халқнинг ижтимоий ҳаётини изга солиш, мўътадиллаштириш ва ижтимоий-сиёсий ҳимоя қилиш учун жўяли ишларни амалга оширганлар. Жумладан, халқни дину диёнатга, илму маърифатга бошлаш билан жамият ҳаётида

саводхонликни ва маданий яшаш тарзини ривожлантирганлар. Бу ҳам шахсий суҳбатларда, ҳам мавъизаларда ўз ифодасини топган. Маълумки, таълим-тарбия, илму ирфон жамият ҳаётига ижобий таъсир қилади. Одамларнинг маърифатли бўлиши, маърифатуллоҳни ҳосил қилиши айнан илму одабига боғлиқ. Шу боис машойихлар томонидан илмсиз тариқатга кириш хавфли экани, самарасиз экани айтилган.

Ижтимоий-сиёсий ҳаётни яхшилаш омилларида бири – бу жамият халқига меҳнатни, ҳалолликни тарғиб қилиш. Шу боис машҳур сўфийлар ҳалол лукмага, меҳнат қилишга, касб-хунар ўрганишга жиддий аҳамият берган. Хожাগон-нақшбандия шайхлари ҳаёти бунга ёрқин далилдир. Чунки булар ҳам мутақаддимин шайхлар каби ҳар бири бирор касб билан машғул бўлган. Абдуҳолиқ Ғиждувоний бўз тўқиш, Хожа Ориф Ревгарий деҳқончилик билан шуғулланган. Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий кун кечириш учун гилкорлик (сувоқчилик), дурадгорлик ва тижорат қилган. У киши Бухорода «руҳнинг гўзаллиги» сифатини олган, ёғоч меъморчилигининг қадрини оширган санъаткорлардандир. Хожа Али Ромитаний мато тўқиш, Хожа Бобойи Саммосий боғбонлик, Саййид Амир Кулолнинг кулолчилик, Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд эса матога нақш боғлаш билан, гилкорлик ва бошқа хунарлар билан шуғуллангани маълум.

Нақшбанд ҳазратлари Амир Кулол вафотидан сўнг етти йил Мавлоно Ориф суҳбатида бўлиб, у кишини ҳамиша иззат-ҳурмат қилган. Хожа Баҳоуддин Мавлоно Деггаронийни сифатлаб айтадиларки: “...етти йил Мавлоно Ориф Деггароний мулозаматида бўлдим. У зот билан бирга мардикорлик қилдик, работ ва бошқа иморатлар қуришда иштирок этдик. Шу аснода ўртамизда ажиб суҳбатлар бўлиб ўтди. Шу етти йил давомида сув лабида мен ул зотдан юқорида туриб ҳеч таҳорат этмадим, ул киши қадамлари изининг устига қадам қўймас эдим” [2; 163]. Шоҳ Нақшбанд ҳазратлари ҳам муридларига бирор касб-хунар ўрганишни, ҳаром лукмадан қатъиян сақланишни тавсия қилар, ўзи шубҳали бўлган таомларни емас, муридларига ҳам едирмасди. Суҳбатларида:

العبادة عشرة أجزاء تسعة منها في طلب الحلال وجزء واحد منها ساير العبادات

“Ибодат ўн ҳисса(қисм)дир. Тўққизи ҳалол ризқ талаб қилмоқ. бири эса бошқа амаллардир” [1; 37], деган ҳадисни доимо такрорлар, унга амал қилишни талаб қиларди. Нақл қилинишича, Баҳоуддин Қасри Орифонда курилаётган масжидда хизмат қилиш чоғида, бошига лой ва тупроқ ортиб масжид томига таширкан ва қуйидаги байтни тўлқинланиб айтаркан:

Ба жон мекунам кори ту, чаро накунам?!

Ба сар мекашам бори ту, чаро накашам?!

Мазмуни: Аллоҳим, сенинг хизматингни жоним билан адо қиламан, нега уни адо этмайин? Сенинг юкингни бошимда кўтараман, нега кўтармас эканман?!

У ҳамманинг қадрини жойига қўяр, бировни биров билан қиёсламас, бирини иккинчисидан устун қўймасди. Ҳар бир инсоннинг жамоатда ўз ўрни борлигини, ҳар ким керакли эканини сўзларди: “Ҳар ким бир иш билан машғул бўлади. Ҳар бир инсон дарахт кабидир. Фойдасиз дарахт йўқ. Таъми ҳар хил бўлса ҳам, ё мева беради, ё соясида одамлар дам олади. Ё чиройли ва кўркамлигини кўриб, ибрат назари билан боққанча завқ олади” [2; 217].

Ғиждувоний: “...ҳалол егинки, у яхшиликларнинг калитидир. Ҳаромдан йироқ бўлгин, токи қиёматда дўзах (ўти) куйдирмасин. Ҳалол кийгинки, тоатдан ҳаловат топгайсан[4; 48]”, деб ҳалол луқмани тарғиб қиларди. Хожани жаҳоннинг хабар беришича, муршиди Шайх Юсуф Ҳамадоний “...ҳалол еб, ҳалол меҳнат қилувчиларни дўст тутган”, “...ҳалқни ҳалол маошдан қийинишга ва ҳалол меҳнат билан кун кечиришга ташвиқ этган [4; 27]”.

Хожа Ревгарий ҳалол луқмани қўлга киритиш омиллари ва сабабларини бир-бир тавсия қилади. “Ва андак луқмага қаноат эт...”, “очлик зоҳидлар, зикр – орифлар таомидур”. “Сизга Аллоҳ таоло қай бандадан рози бўлишини айтайми? – ул кишиким, меҳнатга ва меҳнатдан келган неъматга шукрона қилур”.

Машойихларимиз халқ ижтимоий-сиёсий ҳаётини яхшилаш учун муридларини, одамларни ҳамиша халқ хизматида жалб қилардилар. Зотан,

Исломда таркидунёчилик йўқ. Кимнинг халққа кўпроқ манфаати тегса, ўша киши одамларнинг яхшироғидир. Бу улуғ зотлар “Одамларнинг яхшиси одамларга манфаати тегадиганидир” ҳадисини шиор қилиб, хизматга ундаганлар. Бу борада Хожа Аҳрори Валийнинг қуйидаги сўзлари аҳамиятга молик. “Шайхларимиз истиқболдан умидвор бўлган кишиларни хизматга машғул этишарди. Замоннинг талаб ва шарти нима бўлса, ўша билан шуғулланиш керак. Зикр ва мууроқабалар мусулмонни қалб хотиржамлигига етказадиган хизмат топилмаган пайтда бажарилади. Бир инсоннинг ташвишини аритиб, қалбини шод этишга сабабчи бўлган хизмат зикр ва мууроқабдан афзалроқ. Айримлар нофила ибодатлар билан машғул бўлишни хизматдан муҳим ҳисоблайдилар. Хизматнинг самараси қалбларда муҳаббат ва ҳаловат уйғотади. “Қалблар ўзига яхшилик қилган кишига муҳаббат боғлайдиган ҳулқда яратилгандир» гапи буни тасдиқлайди. Нофила ибодатларнинг натижалари мўминлар муҳаббатининг натижалари билан асло тенглашолмайди. Мен бу йўлни сўфийларнинг китобларидан ўрганмадим, халққа хизмат билан қўлга киритдим”.

Хожа Аҳрори Валийнинг халифаси бўлган Мавлоно Қозининг халифаси Махдуми Аъзам, яъни Аҳмад Косоний ҳазратлари ихлос ва муҳаббат билан бажариладиган хизматларнинг аҳамияти ҳақида шундай деганлар: “Дунё хизмат еридир, охират эса қурбат, яъни Аллоҳга яқинлик еридир. Кишининг қурбати эса хизмати даражасида бўлади” [2; 189].

Хожа Муҳаммад Порсонинг “Рисолаи қудсия” асарида келтирилишича, Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний ҳазратлари шундай дер экан: “Хилват эшигини ёп, хизмат эшигини оч! Шайхлик эшигини ёп, дўстлик эшигини оч! Узлат эшигини ёп, суҳбат эшигини оч!”

Халқ ижтимоий-сиёсий ҳаётининг мўътадиллашиши доимо сиёсий барқарорлик ва сулҳу амниятга боғлиқ бўлиб келган. Улуғ шайхларнинг ҳаётига назар ташласак, ўз даврида улар подшоҳ ва султонлар ёнида бўлгани, пир сифатида уларга тақво ва адолат борасида насихатлар қилгани тарихдан аён. Буюк саркарда соҳибқирон ҳаётлигида жуда кўп муршидларни иззат-

икром қилган, пир тутган. Шайхлар вафотидан кейин ҳам иззат-обрўсини жойига қўйган.

Пири Туркистон – Хожа Аҳмад Яссавий ва бошқа авлиёларнинг қабрларини обод қилиб, мақбаралар қурдирган. Аштархоний султонлардан – Шайбонийхон, Убайдуллахон, Жонибек султон, темурийзодалардан Заҳириддин Муҳаммад Бобур шайх Саййид Аҳмад – Махдуми Аъзам (1461–1542) ҳазратларини пир тутиб, маслаҳатларига амалга қилганлар. Саййид Амир Кулол ҳазратларининг эвараси Мавлоно Шаҳобиддин томонидан ёзилган “Маноқиби Саййид Амир Кулол”да Саййид Амир Кулолнинг ўғли Амир Умарнинг ва халифаси Шамсиддин Кулолнинг Амир Темурга пирлик қилгани ривоятлар орқали баён қилинади. Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ўз давридаги хон ва бекларнинг қўпига устоз-пир бўлган. Мамлакат сиёсий-иқтисодий ҳаётига фаол аралашган. Темурийларнинг ва бошқа хонларнинг ўзаро қонли урушларнинг олдини олишда бош-қош бўлган.

Хожа Аҳрорнинг темурий ҳукмдорлар ва шаҳзодалар орасидаги низоларни турли йўллар билан бартараф этиш сиёсати умр бўйи давом этади. Унинг 1458 йили Шохрухияда ўзаро қонли тўқнашувга тайёр уч ҳукмдор: Султон Абу Саъид (1451–1469)нинг ўғиллари Султон Аҳмад Мирзо, Умаршайх Мирзо ва Юнусхон (1462–1487)нинг ўғли Султон Маҳмудлар орасида қонли уруш содир бўлиши мумкин бўлиб турган бир паллада Хожа Аҳрор ўз мавқеидан фойдаланиб, низони сулҳ билан бартараф қилиб, минглаб одамлар қонининг тўкилишидан сақлайди.

Авлиёлар ўз қаромотларини пинҳон тутишга ҳаракат қилган. Нақшбандия улуғлари гоҳо халқ тинчлигини сақлаш, ўртадаги адоватга барҳам бериш учун керакли ўринда қаромотдан ҳам фойдаланишган. Бунга бир мисол: “Маноқиби Амир Кулол”да нақл қилинишича, бир куни Амир Кулол ва Муҳаммад Бобо Самосий Самос қишлоғида эканлар. Ўша жойдаги аҳолининг икки гуруҳи орасида жанжал чиқиб, муштлашув бўлибди. Натижада, қишлоқ аҳлидан бирининг тиши синибди. Шунда улар ҳокимга арз қилиб, ўша тишнинг хунбаҳосини ундиришни маслаҳат қилишибди.

Аммо улар орасидан бири: “Муҳаммад Бобо Самосийнинг рухсатларисиз бу ишни қилмайлик. У киши нима десалар, шуни қилайлик”, дебди. Улар ҳазрат Самосий ҳузурларига келиб, аҳволни тушунтирибдилар. Самосий ҳазратлари “Ўша тишни бу ерга олиб келинглар», деб буюрибди. Тишни олиб келишгач, уни қўлларига олиб, Саййид Амир Кулолга узатибдилар ва: “Эй фарзанд, сиз бир иш қилингни, ўртадан жанжал барҳам топсин”, деб айтибдилар. Саййид Амир Кулол ҳалиги тишни жабрдийданинг оғзига ўрнатиб, Аллоҳдан мадад тилаб, дуо қилган эканлар, дуонинг баракотидан тиш аслидек маҳкам бўлиб қолибди. Бу кароматни кўрганларнинг ҳаммаси дарҳол тавба қилишиб, ҳақ йўлининг толибларидан бўлибдилар” [2; 137].

Маълумки, ота-боболаримиз аҳли суннат вал жамоа эътиқодида бўлиб, ҳеч қандай ихтилофларсиз аҳил яшаб келган. Ва айнан халққа аҳли суннат эътиқодини тушунтиришда, бидъатлардан сақланишда нақшбандийларнинг ҳиссаси катта. Зеро, юртимизга четдан ботил эътиқодларнинг кириб келиши турли нохушликларга, ур-тўполонларга сабаб бўлиши мумкин. Шу боис бугунги ёшларимизга айнан Нақшбандий пирларининг эътиқодини ва тақвосини намуна қилиб кўрсатиш жамиятда соғлом эътиқодни шакллантиришда ижобий аҳамият касб этади. Чунки Абдуҳолиқ Гиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрори Валий ва Махдуми Аъзам Косоний каби улуғ зотларнинг яшаш тарзи соф исломий асосларга, аҳли суннат вал жамоат эътиқоди талабларига мувофиқ эди.

Хожа Аҳрори валийнинг пири Мавлоно Яъқуб Чархий “Рисолаи Унсия» асарида таъкидлашича, Баҳоуддин Нақшбанд ўзаро суҳбатларда айтар эканлар: “Биз нимага эришган бўлсак, илоҳий фазл билан Қуръон оятлари ва Мустафо (саллоллоҳу алайҳи васаллам) ҳадисларига амал қилиш баракотидан ва у амалларнинг натижасини талаб қилиш, тақвога, шаръий ҳудудларга риоя қилиш ва пок ният билан қадам ташлаш, суннат ва жамоат талабларига амал қилиш ва бидъатлардан йироқ бўлиш орқали эришганмиз” [2; 136].

Нақшбандий шайхларининг бева-бечораларга, толиби илмларга бир сўз билан айтганда, мухтожларга қилган кўплаб хайру садақаси ўз даврида халқнинг тинчланишига, ўзаро муҳаббат уйғонишига сабаб бўлган. Биз юқорида номларини тилга олган муршиди комилларнинг ҳар бири борини халққа тарқатган, улкан эҳсон эгалари бўлишган. Асарларида ҳам хайру саховатни тарғиб қилишган. Абдуҳолик Ғиждувонийнинг бу ҳақдаги фикрларига диққат қилайлик: “Одамларга яхши хулқ билан муомала қил. Ҳар қандай ҳолатда яхшига ҳам, ёмонга ҳам ва барча одамларга марҳаматли бўл... Серҳиммат бўл. Азиз ва Жалил бўлган Худо сенга нима берган бўлса (ризк қилиб берганидан), халққа эҳсон қил. Бахиллик ва ҳасаддан йироқ бўлки, бахил ва ҳасадчи қиёматда дўзахда бўлади” [2; 46]. Хожа Аҳрори Валий подшоларга айтиб, халқ солиғини камайтирган ва ўзлари ҳам кўплаб фуқароларнинг солиғини тўлаб юборган. Мақсад Аллоҳ розилигини тилаб, халққа меҳру мурувват кўрсатиш, кимларнидир кўнглига шодлик улашиш бўлган. Зотан машойихларимиз ҳар бир кишининг қалбига эътибор беришга ва зулмдан асрашга имкони борича ҳаракат қилишган. Биз юқорида айтиб ўтган ҳар бир мавзу қайсидир жиҳатдан халқнинг сиёсий-ижтимоий ҳаётини яхшилашга маълум маънода ҳисса қўшган.

Яна шуни илова қилмоқчиманки, одатда, жамиятлар шахслардан ташкил топади. Жамиятни эса айнан ҳалоллик, илму ирфон ва камолот касб қилган инсонлар ислоҳ қилади. Шу боис Нақшбандия муршидлари ўзларидан кейин ҳам жамиятни ислоҳ қиладиган комил инсонлар етиштириш учун руҳий тарбияга жиддий аҳамият берган. Муридларининг ихлос-эътиқоди, қалби ва нафси, одоб ва ахлоқи ҳамда бошқа жиҳатларининг камолга етиши учун арзирли хизматларни амалга оширган. Баъзилар Саййид Амир кулолнинг ҳазрат Баҳовуддин Нақшбандга қилган хизматлари каби ўзидан кейин халқнинг маънавий-руҳий тарбия қиладиган комил муридлар етиштириш учун йиллар давомида бор куч-ғайратини сарф этган. Имоми Раббоний ва у кишидан сўнгра давом этган силсиладаги машойихлардан Хожа Ҳолид Бағдодий, Аҳмад Зиёвуддин Кумушхонавий, Муҳаммад Зоҳид

Қутқу ва Шайх Маҳмуд Асъад Жўшон каби шайхларнинг ҳам ҳаётлари халқ билан, илм-маърифат ва дину диёнатни тарқатиш-ёйиш ҳамда фойдали китоблар тасниф қилиш билан ўтгани кўзга ташланади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, олтин силсила машойихлари ислом тарихида алоҳида мавқега эга бўлган ва кўп хайрли хизматлар қилган муборак инсонлар – пири комиллар эканлиги маълум бўлади. Бугунги ёшларимиз учун уларнинг ҳаёт йўли ибрат олиш, асарларини ўқиш, тавсияларига диққат қилиш билан жамиятнинг муносиб фарзандлари бўлиб етишишларига улкан ҳисса қўшади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Абулмуҳсин Муҳаммад Боқир бин Муҳаммад Али. Мақомоти ҳазрати Хожа Нақшбанд қуддиса сирруху. Тошбосма. Бухоро. 1327 х. (1909 м.)
2. Сайфиддин Сайфуллоҳ. Етти пир. (Дунё муршидлари). – Тошкент: O‘zbekiston, 2019. – 288 б.
3. Яссавий, Хожа Аҳмад. Умринг елдек ўтаро. – Тошкент: Muharrir, 2020. – 400.
4. Гиждувоний, Хожа Абдухолиқ. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний. Васиятнома. – Тошкент: Movarounnahr, 2018. – 132 б.